



АВВАЛО ТИРИКЛАРГА ЗАРУР

Улар шаҳид кетишди. Юртим, халқим деб жон фидо қилишди. Ёруғ дунёда эса ота дийдорига тўймаган бир этак фарзандлари, ўн гулдан бир гули очилган рафиқалари қолди.

Уларнинг азиз номларини хотирлаб туриш бутун энг аввало тирикларга зарур. Чунки кечагина сафда елкадошлик қилиб, кўксини жиноятчи қиёфасидаги ажал тигига қалқон этганларни унутмаслик инсоний бурч. Мозийи асрлар қатрига тақалган Бухороий шариф ана шундай қадриятимиз яна тикланаётганига гувоҳ бўлди.

Ўтган сешанба кунини ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг 46 нафар оила аъзоси кўҳна шаҳарга таклиф қилинди. Бухоро вилоятидан Ю. Авинов, Қорақалпоғистон жумҳуриятидан Е. Тлемуханов, М. Божонов, Хоразм вилоятидан И. Отажонов ва бошқаларнинг хотирасига бағишланган йиғинни Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи полковник М. Собиров очди.

Совет милициясига кўмалашувчи хайрия жамғармаси президенти ССЖИ халқ ноиб И. Сорокин, ЎзССР ИИБ бошқармаси бошлиғи ўринбосари М. Ивановлар марҳумларнинг оила аъзоларига ёрдам пуллари топширишди.

Сўзга чиққан бевалар кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдиришди. Сўнгра йиғин иштирокчилари ҳузурида бадий ҳаваскорлик тўғрисида аъзолари ўз санъатларини намойиш этишди. Болалар кийим-кечаги ва пойафзали билан савдо қилиш ҳам йўлга қўйилди.

Ғ. ЖУРАЕВ.

Жиноятчи зарарсизлантирилди



Кейинги пайтда турли хил жиноятларнинг кўпайиб кетганини барчани ташвишга солмоқда. Ички ишлар идоралари ходимлари ана шундай даврда ҳамма имкониятларини ишга солган ҳолда кўнгилсизликларнинг камайиши учун қаттиқ кураш олиб бормоқдалар.

Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимида ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар анча самарали бўлмоқда. Ҳар дақиқанинг қадрига етиб, берилган топшириқни аниқ муддат ичида тезкорлик билан ҳал этаётган жиноят қидирув бўлимидаги ходимлари ҳаётдан анчагина ҳикоя қилиш мумкин. Лекин бугун биз уларнинг фаолияти акс эттирилган суратларини сизнинг ҳукмингизга ҳавола этишни лозим топдик.

СУРАТЛАРДА: ташвишли хабар олинди; Чирчиқ шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлимида оперативчилари милиция лейтенанти Алишер Отаев, милиция катта сержанти Исмоил Шабанов ва милиция лейтенанти Игорь Стефанов ашаддий жиноятчини зарарсизлантиришди.

Ҳ. ШОДИЕВ
олган суратлар.

АКС-САДО

ТАКЛИФГА ҚЎШИЛАМИЗ

Биз Шаҳрисабз тумани ИИБ ходимлари ўзноманинг 14 май сониди босилган «Йўл солиғи олинмас» ҳақидаги А. Комилонинг таклифини ўқиб, долзарб мавзу кўтарилганининг гувоҳи бўлдик.

Милиция ходимлари ушбу йўл солиғи қарамай қаерга лозим бўлса, шу жойга бориб хизмат қилишга мажбур. Тоғ-тош демай, йўлнинг узок-яқинига қарамай ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Уларнинг ҳаммасида ўз шахсий транспортидан фойдаланамиз. Фуқаровий ташкilotларда бундай ҳолларда 136-150 сўм ҳақ тўланади. Биз эса гоҳида 500 километргача йўл юриб, ўз ҳисобимиздан ёнилғи, йўлдираклар сотиб оламиз. Яна ошқича йўлга ҳар от кучига 2 сўмдан тўлаш ҳақида қарор чиқаришди. Оладиган маошимиз бола-чақани боқишга аранг етаётган пайтда бу қўшимча зарба бўлмоқда.

Биз ички ишлар вазирлигидан йўл солиғини бекор қилиш ҳақидаги таклифни тегишли вазирликларга етказишни ёки эҳтиёт қисмлар, бензин сотиб олишда имтиёзлар беришни илтимос қилар экан.

Шаҳрисабз тумани ИИБ ходимлари номидан:

А. ҲАЛИМОВ,
ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция капитани.

Ҳ. ЖУРАЕВ,
катта инспектор милиция катта лейтенанти.

УЛАРНИНГ КАСБИ ҚАЙТА ТАРБИЯЛАШ

Матбуот саҳифаларида ахлоқ тузатиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган жиноятчилар ҳақида кўплай материаллар эълон қилинмоқда. Бироқ маҳбуслар орасида хизмат вазифасини бажараётган ички ишлар ходимлари фаолияти тўғрисида жуда кам ёзилган. Шунинг учун бўлса керак, улар ҳақида кўпчилик билмайдилар ёки нотўғри фикр юритадилар. Қамоқхонада ишловчи офицерлар қўпол ва сержаҳл бўлади, деб ўйлашади. Тўғри, бошқа касбадагиларга нисбатан бу ерда хизмат қилувчилар кўпроқ асабийлашадилар. Бунинг ўзинга яраша сабаблари бор, албатта. Бироқ доим ҳам шундайми? Йўқ, асло. Бунга мисол қилиб Қарши шаҳридаги кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясига жазо муддатини ўтаётган ўғлини кўриш учун келган В. Зинаиданинг ИИБ раҳбариятига йўллаган хатини келтирамиз:

«...Мен Ўзбекистонга отланганимда кўня-қўшнилари: «Муассасада ишлайдиган ходимлар қўпол ва сержаҳл бўлишади, улар сени менсимайди», дейишгандилар. Аммо уларнинг айтганлари ва менинг ҳадиксирашим беҳуда экан. Яратганга минг қатла шукрим, зона ичида анча яхши шароит мавжуд экан. Бошқадан тортиб то оддий хизматчиларгача мен билан ҳушмуомалада бўлишди. Мен яна бир карра шунга амин бўлдимки, ҳар ким қаерда бўлмасин, ўз муомаласига яраша жавоб оларкан. Ҳа, уларнинг хизмат вазифалари жуда оғир. Бироқ одамгарчилик ва раҳм-шафқат сингари инсонийликка хос ҳислатлар уларда мужассам экан. Энг қувончлиси эса менинг

ўғлим улар қўлида қайта тарбия топаётгани. Мен бу ердан олган таассуротларимни, албатта, таниш-билишларимга гапириб бераман».

Ҳа, бундай номалар бизларга тез-тез келиб туради. Айнан Остон Сайидов бошчилиги қилаётган муассаса маъмуриятига миннатдорчилик билдирилган хатни мисол келтиришимиз ҳам бежиз эмас. Чунки мазкур колония ходимлари амалга ошираётган ишлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Ахлоқ тузатиш меҳнат колониясига хизмат қилувчилар зиммасига ўз йўлидан адашган кишиларни қайта тарбиялашдек мураккаб вазифа юклатилган.

Бунинг учун ҳар бир офицерда билим, тажриба ва сабр тоқат бўлиши керак. Бу ишда жиззакчилик кетмайди. Бироқ жорий этилган тартибга бўйсунувчилар ҳамда меҳнатдан бўйин товлайдиган маҳбусларга нисбатан қаттиққўллик талаб этилади.

Қарши шаҳридаги ушбу қаттиқ режимли колония бошлиғи ички хизмат полковниги Остон Сайидов ҳамда унинг ўринбосарлари Э. Эргашев ва В. Утеровлар тадбиркорлиги туфайли мазкур муассасада зарур интизом жорий этилган. Ҳар бир ходим ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашади. Шунинг учун ҳам бу муассаса ҳар қандай кўнгилсиз воқеалардан холи.

Сардор АКРАМОВ,
ЎзССР ИИБ ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари ички хизмат подполковниги.

ХОТИРЖАМЛИККА



АСОС ЙЎК



Жумҳуриятимиз пойтахтида аҳоли сони тобора ўсиб бормоқда. Шаҳар ҳудуди ҳам кенгаймоқда. Кўчаларда транспорт ҳаракати бир дақиқа тинмайди. Чорраҳалар катта-ю кичик машиналар билан тирбанд. ДАН ходимлари эса ҳар доимгидек ўз постларида ҳушёр турибдилар. Мақсад — ҳар бир транспорт ҳайдовчиси ва йўловчиларни манзилларига

беҳатар етиб олишларини таъминлаш. Бироқ кўча тасодифлардан холи эмас. Кимнингдир озгина бефарқлиги қутилмаган нохушлик билан туташи мумкин. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг йўл ҳаракати қондалари ҳаммамизни жиддий ташвишлантираётир. Бунга етарлича мисоллар бор, албатта. Шу йилнинг тўрт ойи мо-

байнида шаҳримиз кўчаларида 945 марта йўл-улов ҳодисалари содир этилган бўлса, шунинг 380 таси пиедалар айби билан рўй берди. Унда 353 бола турли даражада тан жароҳати олди. 29 таси эса ҳаётдан кўз юмган. Умуман сўнгги пайтларда бундай фалокатлар даражаси бир оз мўътадиллашгандек бўлди. Яъни ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда,

бундай ҳодисалар 0,6 фоизга камайди. Бироқ бу ҳеч кимни қувонтира олмайди. Чунки ҳар кун ДАН навбатчилик қисмига ўрта ҳисобда саккиз мартадан ташвишли кўнгиноқ бўлиб турибди. Демак, ўтган йилга қараганда кам бўлсада, кимларнингдир севимли фарзандлари жабр кўраётти. Шундай экан хотиржамликка берилишга асос йўқ. Ўқувчилар

нинг ёзги таътили бошланганини ҳисобга олиб, эътиборни кучайтиришимиз керак.

Рамзиддин МУҲИТДИНОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ
ДАНБ ходими милиция
лейтенанти.
СУРАТЛАРДА: қондабу-
зар болалар ва қайғули
ҳодиса.
Вячеслав ТУТИН олган
суратлар.

ИШОНЧЛИ ҚАДАМЛАР

Милиция майори Анорбой Сафаровни анчадан бери танийман. У киши ширин сўзлиги, ўз соҳасини чуқур билиши, одамлар қалбига тезда кириб бориши билан ажралиб туради. А. Сафаровнинг ана шу фазилатларини яхши билганим учун ҳам бугун у тўғрисида ўзимнинг фикрларимни ҳамма билан баҳам кўрмоқчиман.

У махсус милиция мактабини тугатгач, Жомбой тумани ички ишлар бўлимига ишга келди. Жиноят қидирув бўлимидаги хизмат қилган даврида қанчадан-қанча кишилар билан учрашди, уларнинг арзини эринмай эшитди. Ҳалол фуқароларнинг барчасига ёрдам берди, кўп-лаб жиноятларни очиб, хизматдошлари ўртасида «маҳоратли изкувар» деган номга эга бўлди.

Самарқанд шаҳар Темир-йўл тумани ИИБнинг жиноят қидирув бўлимида ишлаб юрган кезлари эди. Уни Ёқутистонга хизмат сафарига жўнатишди. А. Сафаров хавфли жиноятчини топиб келтириши керак эди. Бегона жой, нотаниш одамлар, узоқ юрт. Вазифа эса анча оғир. Лекин уни бажариши шарт. Яхшиям ёқутистонлик ҳаммасблари унга анча ёрдам беришди. Олёмкина шаҳрида яшириниб юрган жиноятчини охири-оқибат қўлга туширишди. Шундан сўнг

у Сибирь ва Узоқ Шарқдаги бир неча шаҳарларга бориб, одил суддан қочиб юрган ашаддий қотилларни тутиб келтирди. Уларни ушлаш ва Самарқандга олиб келгунча кечирган даврдаги таҳликали дамларини айтмаса ҳам бўлади.

1988 йили у яна Жомбой тумани ИИБда хизматни давом эттирди. Ички ишлар бўлими раҳбарлари унинг тажрибасини ҳисобга олиб, участка вакили лавозимига тайинлашди. У ўз участкасида ишни одамлар билан танишишдан бошлади. Чунки А. Сафаровга биркитилган «Украина» давлат ҳўжалигида кейинги пайтда жиноятчилик ва турли хил кўринишдаги ҳўқуқбузарликлар кўпайиб кетганди. Бундан аҳоли ҳақли равишда безовталаниб қолган эди. Шу сабабли ҳам малакали изкувар бу ерга жўнатишганди. Ҳозир тилга олганимиздек, у дастлаб кимнинг нима билан шугулланаётганини, қандай юмуш эвазига тирикчилик қилаётганини ўрганиб чиқди. Илгари судланган, назоратда турганлар билан яхшилаб суҳбатлашди, ишсиз юрганларга баҳоли қудрат бирорта юмуш топиб берди. Кексалардан маслаҳатлар олди. Ўз атрофига жонкуяр ёшларни жалб этди.

Бу ишлар бекор кетмади. Тез орада жиноятчилик уму-

ман тугатилди. Унинг участкаси ўз осойишталиги билан бошқаларга намуна сифатида кўрсатиладиган бўлди.

Яқинда туман ИИБ раҳбарлари милиция аълочиси Анорбой Сафаровни бошқа — «Ғалабанин» 30 йиллиги» давлат ҳўжалигига катта участка вакили қилиб тайинлашди. Милиция майори бу ерда ҳам тез орада одамлар билан тил топишиб кетди. Шикоят билан келувчилар камайди. Аҳоли унинг ишидан хурсанд.

— Биз учун энг муҳими ҳалоллик ва пухталидир, — дейди А. Сафаров. — Шу билан бирга милиция ходими ҳеч қачон ўзига топширилган ишни кечиктирмаслиги шарт. Бирор шикоят ёки хабар тушган заҳоти уни атрофлича текшириб чиқиши зарур. Бойқача айтганда, тезкорлик керак. Одамлар билан ишлаётганда эса мулоимлик лозим. Ана ўшанда ишларингиз илгарилар кетаверади, аҳоли сўзингизни инобатга олади, керакли пайтда кўмаклашади ҳам.

Ана, қишлоқ йўлидан милиция майори кийимдаги киши кетмоқда. Қадамлари дадил ва ишончли. Сабаби оидин, халқ унга ишонади, ундан мадад кутади. У эса ўз билимига, атрофидаги яхши одамларга суяниб иш кўради. Шунинг учун ҳам шахдам одимлаб бормоқда.

Ишон МЕЛИЕВ,
Самарқанд вилояти.

«ИСИТМАСИ» ОШКОР ҚИЛДИ

3 май кун кеч соат 21 лар чамасида Риштон тумани ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига Зодиён-Қайрағоч йўлида икки ёш болани кимдир мотоцикл билан уриб, қочиб кетганлиги ҳақида хабар қилинди. Воқеа жойига милициянинг тезкоризопар гуруҳи бир зумда етиб келди.

Маълум бўлишича, Жаҳон обод қишлоғида яшовчи, 1975 йилда туғилган Шериф Собиров моторли велосипедда ўн яшар ўкаси Муроджон билан Қайрағоч қишлоғи томонга кетаётган вақтида, қариш томондан келаётган мотоцикл уриб юборади. Ҳайдовчи воқеа содир бўлган жой яқинида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, жароҳатланганларга ёрдам бериш ўрнига жуфтани ростлаб

қолади. Чучварани хом санаган қочоқ узоқ вақт яшириниб юролмади. Милиция ходимлари фалокат тафсилотлари билан танишиб чиқишгач, «қочоқ» ҳам қандайдир тан жароҳати олган бўлиши керак ва, албатта, шифохонага мурожаат қилади, деган хулосага келишади. Бу тахмин тўғри чиқди. «ИЖ» белгили 05-05 ФЕД рақамли мотоцикл ҳайдовчиси, Риштон тумани Авазбой қишлоғида яшовчи, 1946 йилда туғилган Абдуғани Мелибоев билан милиция ходимлари касалхонада «чучвари»да...

Касални яширсанг иситмаси ошқора қилар, деб шунга айтадилар-да...
Эминжон ОБИДОВ,
Риштон тумани ИИБнинг
ходими милиция катта лейтенанти.

Ноқобил фарзанд

18 ёшли Ғулож Матниёзов Хонқа туманидаги «Ленинград» жамоа ҳўжалиги ҳудудида яшайди. Ёшлигидан тўғри тарбия топмаган йигит жиноятга қўл урди. Эл-юрт олдида ота-онаси юзини ерга қаратди. У қўшниси уйига кириб, уй эгаси Р. Собировга тегишли 6000 сўм пулни

ўзариб кетди. Кейин эса ҳеч нарсаси кўрмагандай хотиржам юраверди. Бироқ ун кундан кейин Ғуложнинг «миси» чиқиб қолди. Ҳозир ушбу ўғирлик юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов давом этаётти.
Саъдулла БОБОЕВ,
Хоразм вилояти.

«ОТА БИЛАН ИШЛАШ БАХТДИР», —

ДЕИШАДИ

Вилоят ички ишлар бошқармасида бўлиб, ҳозирги кунда энг яхши хизмат қилаётган милиция ходимларини сураганимда, у ердагилар бир овоздан Соат ака Яхёев номини айтишди. У киши билан учрашиш учун Жиззах тумани ички ишлар бўлимига қараб йўл олдим.

Милиция бўлими икки қаватли бинога жойлашган экан. Атроф саранжом-саранжом. Хоналарнинг ҳар бири эшиткича ходимнинг исми ва фамилияси, унвони ва эгаллаб турган мансаби ёзиб қўйилган. Йўлак орқали иккинчи қаватга кўтарилдим ва бошлиқ хонасига кирдим. Қотмадан келган, баланд бўйлик, бундойранг, сочлари анча оқарган, соддароқ кийинган (хизмат юзасидан бўлса керак шу кунги фуқаро кийимида) киши қарши олди. Сухбат чоғида шу нарса маълум бўлдики, Соат ака ҳар бир гапни ўйлаб, мулоҳаза билан гапирадиган, шоммасдан фикрлайдиган киши экан.

— Мен асли шу ерликман, Жиззах туманида туғилиб ўсдим, — дея гап бошлади милиция подполковниги С. Яхёев. — Ҳамма қатори армия хизматини ўтаб келгач, милицияга кирдим. Аввалига ота-онам кўп қаршилиқ қилишди. Авлод ва аждодимиздан «миришаблар» чиқмаган, сенга нима бор, деб кўп дашномлар беришди. Лекин шунга қарамайдан, ўз хоҳишим билан 1962 йили Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимига оддий милиционерлик вазифасига жойлашдим. Уйга милиция кийимида борганларимда, кўпчилик отамга: «Яхё ўғлининг миришаблик кийими жуда ҳам ярашибди, худди қуйиб қўйгандек», — дея гапиришарди. Бу мени янада дадиллантириб юборарди. Икки йилча ишлаганимдан сўнг Тошкентдаги ўрта махсус милиция мактабига ўқишга жўнатишди. У ерни битириб келгач, участка вакили бўлдим. Кейинроқ эса хизматни жиноят қидирув бўлимида давом эттирдим. 1975 йили Янги—Жиззах вилояти ташкил этилиши муносабати билан мени Жиззах тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари этиб тайинлашди. Бу ерда салкам 10 йил ишладим. 1984 йили Бахмал тумани ИИБ бошлиғи лавозимига тавсия этилдим. Бу ерда салкам беш йил ишладим. 1989

ЖИЗЗАХ ТУМАНИ ИИБ ХОДИМЛАРИ

йилда яна туғилиб ўсган жойимга қайтиб келдим. Ҳозир ёшим 53 да. Шу йиллар мобайнида ўйлаб шогирдлар тайёрладим. Булар ичида ҳозирда Бахмал тумани ИИБга бошчилик қилиб келаётган, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди А. Сатторов ва бошқаларнинг номларини айтишим мумкин.

Четдан борган одам бирор киши ҳақида у билан ёнма-ён меҳнат қилаётган ходимлардан ошириб баҳо беролмас керак, деб ўйлайман. Келинг, шунинг учун С. Яхёев билан бирга хизмат қилаётган ходимлар сўзларига қўлоқ тутаёлик.

Биринчи сўзни катта терговчи милиция майори Олимжон Маждидовга берсак:

— Бошлиғимиз жуда камтарин инсон, шунинг билан бирга ҳар бир ходимга ўта меҳрибон. Биз хизмат давомида бу кишидан милиция фаолиятига боғлиқ бўлган кўплаб «сирлар»ни ўргандик ва ўрганмоқдамиз. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг «отамиз» (биз у кишини яхши кўрганимиздан, ҳурмат маъносидан ота, деб атаймиз) салкам ўттиз йилдан бери ҳормай-толмай хизмат қилиб келмоқдалар. Соат ака ҳар бир топшириқни тушунтириб, мағзини қағиб беради, агар тушунмасангиз, қайтаришдан эринмайди. Пала-партишликка асло йўл қўймайди. Бир хил пайтларда тергов жараёнида қийналиб қолганларимда, дарҳол олдларига чиқаман, йўл-йўриқ сўрайман. У киши ҳар доим ёрдамга тайёр, ҳеч ҳам йўқ демайдилар. Ходимларни танлашда, уларни ўз ўрнига қўйишда янглишмайдилар. Масалан, 1986 йили бўлимимизга Тошкент олий милиция мактабини битирган Болта Жўраев келган эди. Бу йигит даставвал жиноят қидирув соҳасида иш бошлади. Шу йилдан эътиборан терговчиликка ўтказилди. Чунки терговчи хос маҳоратини бошлиғимиз кузатиб, сезиб юрар эканлар. Дарҳақиқат, ҳозир у ўз ишни тўла-тўқис олиб бораётган.

Шу ўринда яна бир фикримни айтмоқчиман. Соат ака бир йилдан кейин хизматимга 30 йил тўлади, дам олишга чиқаман, деб юрибдилар. Биз у кишини дам олишга чиқишларига йўл қўймаймиз. Чунки бу киши бизга «ота», биз эса уларга «ўғил»миз. Ўзингиз ўйлаб

кўринг, яхши ота билан яхши фарзанд бир-бирида ҳеч ҳам ажралмайди. Агар сиз дам олишга чиқсангиз, биз бошқармага «арз» билан борамиз, деб ҳазиллашиб қўямиз.

Профилактика ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари милиция майори Орзиқул Ҳуролов:

— Соат ака ҳар бир содир этилган оғир жиноятни очишда шахсан ўзи катта ҳисса қўшадилар. Чарчаш нималигини билмай, тунги соат 1—2 ларгача хизматда бўладилар. Тергов ва профилактика ишларига катта масъулият билан қарайдилар.


Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳозирда Жиззах тумани аҳолиси 110 мингдан ошиб кетди. Милиция бўлимида эса жами бўлиб 68 та ходим, шундан 50 нафари офицер. Ҳар бир участка вакилига 8-10 минг аҳоли тўғри келмоқда.

— Содир этилган ҳар бир жиноятни тез фурсат ичида очишга эришмоқдамиз, — дейди суҳбатни давом эттирар экан милиция подполковниги Соат Яхёев. — Масалан, яқинда бир гуруҳ мол ўғриларини қўлга олдик. Улар уч кишидан иборат бўлиб, 10 та қорамолни ва бир отни ўмарилган эди. Молларнинг умумий баҳоси бизнинг ҳисоб-китобимиз бўйича 25 минг атрофида. Ўша куннинг ўғриларни молларни сотаётган пайтида қўлга туширдик. Ҳозир тергов ишлари давом этаяпти.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик томошабин бўлиб туриши керак эмас. Бу ишда ҳар бир фуқаро осойишталик посбонларига қўлларидан келганча ёрдам кўрсатишлари зарур. Агар кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб, иложи борича ёрдам қўлларини чўзишса, шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Мен бу гапни кўп йиллик иш тажрибаларимдан келиб чиқиб гапирмоқдаман.

Биз ҳам Соат аканинг халқ осойишталигини таъминлашдек сермашқат ишларига яхши тилак ва истаклар билдириб қоламиз.

Қодиржон МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги ходими милиция капитани.



Жиноятчининг изига тушган, ақл бовар қилмайдиган жойга яширилган наркотик моддаларни топган қидирув итларига қойил қолмай илож йўқ. Лекин кўпчилик ана шу маҳорат ортида кинологларнинг машқатли меҳнати ётиши-

ни тасаввур қилавермас керак.

СУРАТДА: Тошкент вилояти ИИБ милиционер-кинологини милиция сержанти Шарофиддин Ғаниев навбатдаги машқ пайтида.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

МУНОСАБАТ ЎЗГАРМОҚДА

Жиноятчиликнинг кўпайиши кенг жамоатчиликни жиддий ташвишга солмоқда. Кимдир бу ишда милицияни айблайпти. Бошқа бировлар эса ички ишлар ходимларига ўзларининг қандайдир ёрдамини беришга шошилишмоқда. Милициянинг иқтисодий аҳволи танг эканлигини қалбдан ҳис қилганлар уларга моддий томондан ҳам кўмаклашмоқдалар.

Ғалаба туманидаги «Сирғали» ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси ҳам ана шундай эзгу ишга қўл урганлардан бири. Бу ердагилар ИИБ билан шартнома тузиб, участка вакиллари ёрдамчиларининг 4 нафарини ўз таъминотида олиб, 18 минг сўм пул ажратди.

Бундай хайрли ишга тумандаги бошқа жамоалар ҳам озми-кўпми ҳисса қўшмоқдалар. Шу йил бошидан бери тумандаги анчагина хўжаликлар меҳнаткашлари ўзларининг осойишталигини таъминловчиларга 151 минг сўмдан кўпроқ маблағ топширдилар. Бундан ташқари

хўжаликлар ички ишлар бўлими буюмларини таъмирлаш ишларига ҳам баҳоли қудрат ёрдам беришмоқда.

Шўро тинчлик жамғармаси Ўзбекистон бўлимаси қошидаги «Шарқ» тижорат ишлаб чиқариш фирмаси эса бошқача иш тутди. Улар халқ осойишталиги учун куну тун демай хизмат қилаётган милиционерлар ҳам баъзи-баъзида кўнгилли, хотиржам дам олишсин, деган мақсадда Ғалаба тумани ИИБга дам олиш зонаси қуриб беришни ҳомийликка олдилар. Бунинг учун фирма 30 минг сўм пул ажратди.

Ана шундай жамоаларнинг номини яна кўплаб келтириш мумкин. Бу ишлар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги пайтда милиция билан халқ ўртасидаги муносабат тобора яхшиланмоқда. Одамлар милицияга катта умид, шу билан бирга ҳурмат билан қарамоқдалар. Бунинг юқоридаги мисоллар аққол кўрсатиб турибди.

А. МАҲАМАТҚУЛОВ.

ҚОТИЛ «ОШИҚ»

Севгининг кўзи кўр, дейдилар. Чунки муҳаббат голиб келганда, одамга севгисининг ожиз томонлари сезилмайди. Гўёки, у дунёдаги энг тоза қалбли, энг вафодор, энг чиройли инсон бўлиб кўринаверади. Унга бутун борлиқни ҳаёда қилгиси, фақат ширин сўзлар билан эркалагиси келаверади.

Холмуроднинг ҳам биттасига ишқи тушди. Ҳар гал унинг йўлини тўсар, қизнинг розилигини олишга интиларди. Аммо Роза ҳамма вақт унга рад жавобини берарди. Бундан Холмурод ўзини қўйгани жой топа олмай қолар, бутун дунё кўзига тор кўринарди.

Келинг, аввал ошиқлар билан яқиндан танишиб олайлик, Холмурод Сафаров 1961 йил тутилган. Пахтакор шахрининг Собир Раҳимов кўчасидаги 25-уйда истиқомат қилади. «Янтарь» ширкатига оддий ишчи бўлиб ишлайди.

Роза Мирзоян 1963 йилда таваллуд топган. Пахтакор тумани марказий шифохонасида санитарка бўлиб меҳнат қиларди. Холмурод билан қўшни.

Розага Холмуроднинг бачкана қилиқлари, шилқимлик-

лари ёқмас, шунинг учун ҳар гал йигитга чап беришга ҳаракат қиларди. Ошиқ эса ичиб олиб, хархаша қилишдан зерикмасди.

...Кунларнинг бирида роса тўғиб олган Х. Сафаров Розанинг эшитгани тақиллатди. Қиз уни кўргач, эшикни ёпмоқчи бўлганди. Холмурод уйга бостириб кирди. Сўнг қора ниётда олиб келган пичоқни «севгилиси» баданига ботирди. Қўлларидан қонни шоша-пиша артиб ташлаб, уйдан узоқлашди.

Қотиллик ҳақида хабар олингач, Пахтакор тумани ИИБ бошлиғи милиция майори Ботир Муродов раҳбарлигида опергурӯҳ тузилди. Унга милиция майорлари Шавқибой Бозоров, Барот Ҳунов, участка вакили милиция капитани Аҳмад Яхшилик, катта терговчи милиция катта лейтенанти Исмонил Назаров, милиция старшинаси Мурод Маркабевлар киритилди. Тезликда олиб борилган чора-тадбирлар натижасида жиноятчи бир соат ичида қўлга олинди.

Яқинда бўлиб ўтган суд Х. Сафаровга 9 йил қучайтирилган режимли қамоқ жазоси белгиланди.

А. МУМИНОВ.



Наманган шаҳар ИИБда сидқидилдан хизмат қилувчи милиционерлар кўплаб топилди. Участка вакили милиция лейтенанти Собитхон Мирзаев ана шундайлардан биридир. Унинг ишидан аҳоли ҳам, ҳамкасблари ҳам ниҳоятда мамнун. Чунки С. Мирзаев ҳар доим одамлар ўртасида бўлишга, турли хил ҳуқуқбузарликларнинг

олдини олишга ҳаракат қилади.

СУРАТДА: участка вакили милиция лейтенанти С. Мирзаев Садриддин Айний номли кўчадаги 5-уйда истиқомат қилувчи Самия она Йўлдошева онласи билан суҳбатлашмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

«УЧ ОҒАЙНИ БОТИР» ЁКИ НОМУС ЎҒРИЛАРИ

Тошкентнинг Киров туманидаги М. Қориев номи кўчада 1967 йилда чақалоқ йиғиси эшитилди. Севинчдан оғзи-қудорига етган ота-она ўғлимиз Алломишдай паҳлавон, мард ва жасур бўлсин, дея чақалоқча Баҳодир деб ном қўйишди.

1973 йилда яна шу кўчада туғилган бола ҳам ўз ота-онасининг бошини кўкка етказди. Улар ҳам зурриёдимиз биз ўйлагандек муродига етиб юрсин, дея унга Дилмурод, деб исм қўйишди.

1974 йилда «инга-инга»си билан ҳаммани хушнуд этган чақалоқ эса Дилшод, деб аталди.

Ҳар уч оилада ҳам болалар катта бўлгунча алла айтилди.

Дикир-дикир ўйнасин, Оёғига тикан кирмасин. Нияти қора банданинг Боламга кўзи тегмасин...

Хуллас бир кўчадаги уч хонадонда болалар камчилиги нимагини билмай вояга етишди.

Ҳа, улар куч-қувватга тўлиб, мўйлаблари сабза ургунча нима деса, ҳозир-нозир эди, фақатгина тарбиядан бўлак.

1. АРИЗА

Ўтган йил 18 февраль куни Киров тумани ИИБга ариза тушди. Унда кўрсатилишича, икки нафар безори вояга етмаган Б. Юнусовни уриб, оғиз-бурнини қизил қонга бўяган. Кейин кийим-кечагини ечиб олиб, ғойиб бўлишган.

Улар худди шунингдек, вояга етмаган З. Жаровнинг эғнидаги спорт кўйлагини ҳам ечиб олишган. Эртаси куни эса яна уни тўхтатишган. Роса калтаклаб, «Десна» велосипедини олиб кетишган.

Кўриниб турибдики, безорилар роса хадидан ошиб кетган. ИИБ ходимлари уларни топиш ва попуғини пасайтириб қўйиш мақсадида қидирув ишларини бошлаб юборишди.

Эртаси куни худди ўша ўғирланган велосипедни миниб юрган бир йигитча қўлга олинди. Ички ишлар бўлимига олиб келиниб, тинтув қилинганда унинг ёнидан «Нунчан» топилди. У юқориди айтилган безорилик ва талончиликларда фаол иштирок этганлардан бири Дилшод Ёқубов эди. Унинг ҳамтовоғи Дилмурод Қодиров эса бу пайтда тутқич бермасдан қочиб юарди.

2. ОРАДАН УЧ ЯРИМ ОИ УТГАЧ...

Яна Киров тумани ИИБга икки нафар безори вояга е-

маган Б. исмли қизни ўғирлаб кетганлиги ҳақида хабар қилишди. Эртаси куни қиз топилди, лекин унинг номуси топталган эди.

Воқеа бундай бўлган экан. 15 ёшли Б. Янгиободда турувчи холасиникига бориш учун «Ғалаба» боғи бекатида трамвай кутаётганди. Тахминан 23-24 ёшлардаги бир йигит унга яқинлашиб келиб, салом берди. У ёқ-бу ёқдан гапириб, ниҳоят қаёққа кетаётганини сўради. Қиз айтди. Шундан сўнг тўсатдан у бундай деди:

— Бунга қаранг, синглим. Ёўлимиз бир экан. Мендан атиги 2 бекат олдин тушаркансиз. Трамвай кутиб, сарғайиб ўтирамызми...

У шундай дея йўлнинг нариги томонига ўтиб, машина тўхтатди. Қизни қақирганди: бормади. Йигит такси ҳайдовчисига бир нималар деди, кейин қизнинг ёнига келиб, ялина бошлади.

— Йўқ, деманг, синглим. шошилиб туришман. Таксичи камида икки киши бўлсанлар, кейин у ёққа бораман, дейпти.

Хуллас, кўндирди. Ярим йўлни босиб ўтишгач, у шофёрга:

— Тўғри «Роҳат» кўлига ҳайданг, — деди.

Қиз кўрқиб кетди:

— У ёқда нима қиламиз, Янгиободга боришимиз керак.

— Улгурамыз, синглим, хув ануви ерда икки минутлик ишим бор.

Хилват жойда машина тўхтади ва икки йўловчини ёлғиз қолдириб, кўздан ғойиб бўлди. Ҳайвоний ҳирсдан кўзлари қизарган йигит додлашга қарамай қизнинг қўлидан омбурдек сиқиб ушлаб, чақалакзорга олиб кирди. Ўт-ўланлардан тўшак ясади ва...

— Мен сени яхши кўриб қолдим, — деди йигит қиз хушига келгач. — Ҳеч кимга, ҳатто ота-онангга ҳам миқ этма. Акс ҳолда бандит ўртоқларим билан уйингга кириб, ҳаммагнни битта-биттадан сўямиз. Тушундингми?

— Ҳа, — дея олди қиз бе-

чора.

Орадан бир кун ўтгач, у яна қизнинг уйида пайдо бўлди.

— Кўчага чиқ, гапим бор, — деди қизга.

— Йўқ, чиқмайман, йўқол бу ердан!

— Ундай бўлса, ўзингдан кўр. Кеча оғоҳлангирганман. Иложи қанча: чиқди. Йигит ўзидан ёшроқ дўсти билан бирга экан.



— Гапингиз бўлса, шу ерда айтинг.

Лекин оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. Йигит худди кечагидек унинг юмшоқ билагидан ушлаб, диконглатганча олиб кетаверди.

Бу ҳолни Б. нинг укаси кўриб турган экан. Опасига ёрдамга шошилди. Лекин «жўжа кўтарган калхат»га кучи етмасди.

— Дилмурод, ҳайдасангчи бунга.

Йигитнинг ўртоғи ёш болани худди коптоқдек улоқтириб юборди. Улар тўғри Юнусободнинг 17-маҳалласидаги тутзорга боришди. Дилмурод деганлари қоровуллик қилди, у эса, ҳирсини қондирди.

— Баҳодир, қочдик, отаси келяпти! — деди Дилмурод. Улар қизнинг икки қўлидан судраб, тутзорни тарк

этишди. Машина тўхтатишиб, иккинчи даҳага келиб тушишди. Янги қўрилаётган 9 қаватли уйнинг томига чиқишди. Баҳодир Дилмуродга:

— Уйга бориб, кўрпача ва ейишта ул-бул олиб кел, — деб буюрди.

Кейин Б. билан эрталабгача «келин-куёв» бўлишди.

Эрта тонгда Баҳодир нима учундир пастга тушиб кетди.

— Кел, ётамиз, — деб тўнғиллади Дилмурод.

— Ўлиб кет, қўшмачи абла.

— Ҳали шунақами! — у шундай деди-ю, қизга ўзини отди...

Ниҳоят, улар пастга тушишди. Б. тезроқ бу ифлослардан қутилишни, Дилмурод эса яна қизнинг муҳаббатидан лаззатланишни ўйларди. Кутилмаганда у Б. нинг қўлидан маҳкам ушлаб, бир автомашина гаражга судради. У дод солди. Хайрият, ёрдамга югуриб келатганларни кўрган Дилмурод қочиб кетди.

Орадан уч кун ўтгач, номус ўғрилари Баҳодир Ёқубов ва Дилмурод Қодировлар ҳибсга олинди.

3. СОВЧИЛАР

Дарвоза тақиллади. Уй бекаси чиқиб қараса, тугун кўтарган икки хотин турибди. Ичкарига таклиф қилди, дастурхон ёзиб, қайноқ чой узатди.

— Қани, у-бу нарсадан еб ўтиринглар.

— Ўртоқжон, сизникига бош уриб, совчиликка келдик, — деди ясама табассум билан аёллардан бири. Мезбон ялт этиб уларга қаради, яна нигоҳини олиб қочди. Дастурхон учини титроқ бармоқлари билан эзгилаб:

— Кечирасизлар, бўйи етган қизимиз... — деди-ю, қолганини гапиролмади.

Кўзларида ёш айланиб, томоғига нимадир тикилди.

— Хафа бўлманг, овсинжон, — дея иккинчи аёл ўртадаги сукунатни бузди. — Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир гап айтардим.

— Сиз менга нима ёмонлик қилибсизки...

— Ёшлик-бебошлик деганларидек, менинг, кейин бу ўртоғимнинг ўғли қизингиз Б. хонни яхши кўришаркан. Қизингиз қизмисан-қиз. Лекин шовқалоқлик қилиб қўйишди. Улар тўйни қутишмаган бўлса, тўй уларни кутсин. Ўғлим Баҳодиржонга...

— Бўлмаса, қизингизни ўзим келин қиламан, — деб ялтоқланди иккинчи аёл. — Ҳолвангизни Дилмуроджонга йўқ, деманг. Ораларида икки ёшгина фарқ бор экан. Унаштириб қўйилик. Фақат болагинамни қамаб қўйишган. Унаштириб қўйганмиз, ҳеч қанақа даъвойим йўқ, деб ёзиб берсангиз.

— Эҳ-ҳа, гап бу ёқда эканда! — Хонадон бекасининг газабдан юзлари кўнариб кетди. — Уша ифлослар сенларнинг болаларингми? Қиз эмас, тирноғимни ҳам раво кўрмайман, йўқолинглар кўзимдан!

Воқеанинг тескари томонга бурилиб кетишини ўйламаган совчилар кўча томон йўралашди.

4. СУД ҲУКМ ЧИҚАРДИ

Киров тумани халқ судининг Р. Тўлаганов раислигида ўтган мажлисида юқориди жиноят ҳикоя қилинган Дилшод Ёқубов, Дилмурод Қодиров ва Баҳодир Ёқубовлар иши атрофлича кўриб чиқилди.

Д. Ёқубов балоғатга етмаган Б. Юнусов, З. Жаровга нисбатан зўравонлик ва талончилик қилишда қатнашганлиги учун ЖМнинг 127-модда 2-қисмига асосан айбдор, деб топилди ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Д. Қодировнинг айби уникидан оғирроқ эканлиги таъкидланди. У ҳам вояга етмаган Б. Юнусов, З. Жаровга нисбатан безорилик ва талончилик қилган, ёнида совуқ қурол олиб юрган, қолаверса вояга етмаган Б. га нисбатан куч ишлатиб, номусига теكкан.

Суд уни қонунга мувофиқ 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чикарди.

Б. Ёқубов эса муқаддам 2 марта судланган. Бироқ ўзига тегишли хулоса чиқармаган.

Учинчи марта Д. Қодировни жиноятга етаклагани ва Б. нинг номусига текканлиги учун 12 йил қамоқ жазоси билан «муқофотланди». Шунингдек, у жазони қаттиқ режимли меҳнат-ахлоқ тузатиш колонияларида ўташ кераклиги алоҳида қайд этилди.

Мўйдин СУФИ.

ЧИРОЙЛИ ЎЙИН

Ҳақиқий ишқибозлар ғайрати туфайли бильярд 1988 йил 19 ноябрда спорт ўйини деб эълон қилинди. Кўп ўтмай эса, яъни 1989 йил октябрда Тошкентда биринчи марта Осиё кубоги учун мусобақалар ўтказилди. Б. Содиқов, А. Зуфаров, М. Холматов ва бошқалар унинг ташаббускорлари бўлиб чиқдилар. Унда 35 киши қатнашди. Бу мусобақадан сўнг 1990 йилнинг май ойида ЎзССЖ бильярд федерацияси ташкил топди.

ХОРИЖ ХАНДАЛАРИ

— Менинг эрим икки кун илгари уйдан чиқиб кетган эди, ҳалигача қайтмади, — деб мурожаат қилди аёл полиция бўлимига келиб. — Мана, унинг сурати.

— У қандай кийимда эди?

Бильярд энг чиройли ўйинлардан бўлиб, мамлакатимизда кенг тарқалган. Улуг Ватаи урушидан кейин эса бу ўйин аста-секин йўқолиб борди. Бунга мутахассисларнинг, бильярд столнинг йўқлиги, Ўзбекистонда кўплаб клубларнинг ёпилиши сабаб бўлди.

Янги тузилган федерация бу спорт турининг оммалашуви учун бутун куч-ғайратини сафарбар қилади, деган умиддамиз. И. ЗОХИРОВ, ички хизмат майори.

ДУНЁ КУЛАДИ

— Унинг эғнида ёғ доғлари бор кулранг шим, иккита тугмаси йўқ қўйлақ, оқ ип билан чандилган ҳаворанг сантер бор эди.

Русчадан Ҳабиб СИДДИҚ таржимаси.



Риштон тумани ИИБ балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекциясига милиция капитани Акрамжон Бекмирзаев раҳбарлик қилади.

— Туманимизда ўсмирлар томонидан қонунбузарлик қилиш тобора камайиб бораёпти, — дейди у. — Бунга профилактик ишлар билан боғлаш керак.

Чиндан ҳам шаҳар ва қишлоқ Кенгашлари раҳбарлари, мактабларнинг педагогик жамоалари билан яқин алоқа ўрнатилган.

Суратқаш Ҳусанбой МЕЛИБОЕВ.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Октябрь туманидаги 38-ўрта мактабни тугаллаганлиги ҳақида Қодирохунова Феруза Абдулазизовна номига 1989 йили берилган ўрта маълумот тўғрисидаги 788715 рақамли етуклик аттестати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси шайхитининг Меҳнат Қизини Байроқ ордени билан боғлашмаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,

муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —

(«НА ПОСТУ»)

Орган коллегии МВД

ЎзССР